



18 « октябрь 2017 й. г. № 846

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг  
ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини қўллаб-кувватлашни  
янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5146-сон Фармонига мувофиқ, собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш ҳамда курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиклансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фанлар академиялари аъзоларининг гонорарлари, докторантлар ва аспирантларнинг стипендиялари миқдорини ошириш тўғрисида” 1994 йил 1 декабрдаги 578-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, манбаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофикаштирилсинлар.

4. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари, Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ҳамда Соғлиқни саклаш, экология, атроф мухитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот таҳлил департаментларига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг  
2017 йил «18» октябрдаги 846-сон карорига  
1-илова

**Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари  
академиясининг ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзоларининг саломатлигини  
санаторий-соғломлаштириш ҳамда курорт-соғломлаштириш  
муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий коидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзоларини рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5146-сон Фармонига мувофиқ собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзолари (кейинги ўринларда Академия аъзолари деб аталади) ва уларнинг кузатувчлари саломатлигини санаторий-соғломлаштириш ва курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартибини, шу жумладан уларни соғломлаштириш шарт-шароитлари ва муддатларини, йўлланмаларни ажратиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзоларини рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5146-сон Фармонига мувофиқ, Академия аъзолари бир нафар кузатувчи билан бирга йилига бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидағи “Ўзбекистон” курорт-соғломлаштириш акциядорлик жамиятининг санаторийларида (кейинги ўринларда санаторийлар деб аталади) соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланиш хукукига эга.

Кузатувчи сифатида биринчи навбатда Академия аъзоларининг яқин қариндошлари бўлиши мумкин. Агар яқин қариндошлари бўлмаса, соғломлаштириш курсидан ўтувчи Академия аъзоси томонидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) билан келишилган ҳолда таклиф этилган шахс кузатувчи бўлиши мумкин.

3. Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчиларини санаторийларга юбориш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчи шахслари санаторийларда соғломлаштириш курсини Академия аъзолари томонидан ўзларига мақбул бўлган муддатларни кўрсатган ҳолда берилган аризаларга асосан Вазирлар Махкамаси томонидан ҳар йили тасдикланадиган йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ ўтайдилар.

## **2-боб. Йўлланмалар олиш учун мурожаат қилиш**

5. Академия аъзолари кейинги йилга санаторийга йўлланма олиш учун хар йили 1 сентябргача Марказга куйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича ариза;

паспорт нусхаси;

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг хақиқий аъзолигини ёки муҳбир аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

кузатувчининг шахсини тасдиқловчи хужжат;

Марказга тақдим этилган хужжатлар ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофик “Йўлланмалар сўраб ёзилган аризаларни рўйхатга олиш дафтари”да рўйхатдан ўтказилади.

6. Йўлланма унда кўрсатилган муддатда хақиқий ҳисобланади.

Академия аъзолари саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланманинг амал килиш муддати тугашидан камида икки ҳафта олдин Марказга мурожаат қилиб, йўлланма муддатини йил якунига кадар ўзгартиришлари мумкин. Йўлланмада кўрсатилган муддатларни календарь йил мобайнида икки мартадан ортиқ кўчиришга йўл кўйилмайди.

7. Марказ саломатликни тиклаш муддати кўрсатилган ҳолда ариза берган шахслар рўйхатини шакллантиради ва хар йили 10 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигига тақдим этади.

## **3-боб. Соғломлаштириш йўналишларини аниклаш**

8. Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги Марказ томонидан тақдим этилган рўйхатни олгандан кейин уни беш иш куни мобайнида Академия аъзоларининг доимий яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларига етказади.

9. Тиббиёт муассасалари тақдим этилган рўйхатлар бўйича бир ой муддатда Академия аъзоларини бепул диспансеризациядан ўтказадилар ва унинг натижаларига кўра санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналишини аниклайдилар.

10. Академия аъзоларини диспансеризациядан ўтказиш натижалари асосида унинг тиббий картасида санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналиши ва зид кўрсатмалар (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув қайд этилади.

11. Тиббий картадаги ёзув асосида тиббиёт муассасаси Академия аъзоларига белгиланган шаклдаги санаторий-курорт картасини расмийлаштиради ва ушбу карта йўлланма олиш учун асос ҳисобланади.

Зарурат бўлганда, Академия аъзоларининг саломатлигига ўзгаришлар юз берган тақдирда санаторий-курорт картасига тузатишлар киритилиши мумкин.

**12. Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги:**

тиббиёт муассасаларидан ҳар йили 25 октябргача диспансеризациядан ўтган Академия аъзоларининг соғломлаштириш йўналишларини ва санаторийлар номларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатини олади;

беш иш куни мобайнида рўйхатни Марказга тақдим этади.

**4-боб. Йўлланмаларни тақсимлаш ва ажратиш**

**13.** Тиббиёт муассасаси раҳбари Академия аъзоларини диспансеризациядан ўтказишининг белгиланган муддатларида таъминланиши, шунингдек, тиббий ва санаторий-курорт картасида согломлаштиришнинг зарур йўналиши тўғрисидаги ёзувларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавоб беради.

**14.** Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги тақдим этган рўйхат асосида ҳар бир санаторий бўйича келгуси йил учун йўлланмаларни тақсимлаш режасини ишлаб чиқади ва санаторийларнинг юқори турувчи вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан келишилган ҳолда 15 ноябргача Вазирлар Махкамасига тасдиқлаш учун киритади.

**15.** Марказ йўлланмаларни тақсимлаш режаси тасдиқлангандан сўнг уни ўн иш куни мобайнида санаторийларга етказади, йўлланмаларни расмийлаштиради ва уларни Академия аъзоларига етказилишини таъминлайди.

Зарурат бўлганда, йил мобайнида йўлланмаларни тақсимлаш режасига асосли сабаблардан (тиббий кўрсатма, рад этилиши ва бошқа асосли сабаблар) келиб чиккан ҳолда, ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзгартиришлар Марказ томонидан тегишли санаторийларнинг юқори турувчи вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан келишилган ҳолда киритилади.

Бунда Марказ ҳар ойнинг 30-санасига қадар санаторийлар томонидан ўринлар ажратиши учун тузатишлар киритилган параметрларни санаторийларга етказади.

**16.** Йўлланмалар босмахона усулида босилган, тартиб рақамига эга бўлган маҳсус бланкаларда ва Академия аъзоси учун йўлланма” сўzlари ёзилган тегишли штамп билан тасдиқланади ҳамда уларда қайтарма талон бўлиши шарт.

**17.** Марказ конун хужжатларида белгиланган тартибда йўлланмалар реестрини юритади.

**18.** Марказ йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ ҳар йили 15 январгача санаторийлар билан Академия аъзоларини согломлаштириш юзасидан шартномалар тузади.

**19.** Санаторийлар тузилган шартномаларга мувофиқ Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчи шахсларини қабул килинишини таъминлайдилар.

20. Санаторийлар раҳбарлари тузилган шартномалар шартлари тўлиқ бажарилишига, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифати учун шахсан масъулдирлар.

### **5-боб. Санаторийларга йўлланмаларни молиялаштириш**

21. Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш учун харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чикириш маркази харажатларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сметасида йўлланмалар учун тўловга ҳар йили мақсадли тартибда назарда тутиладиган бюджетдан ажратиладиган маблағлар хисобидан амалга оширилади.

22. Санаторийлар ҳар ойнинг 5-кунигача ўтган ойда Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчи шахслари амалда фойдаланган йўлланмалардан келиб чиқиб, бажарилган ишлар далолатномалари ва ўзаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномаларини Марказга тақдим этиб, хисоб-китобларни амалга оширадилар.

Марказга тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги учун санаторийлар раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

### **6-боб. Санаторийларда яшаш ва соғломлаштириш шартлари**

23. Йўлланмадан факат унда кўрсатилган Академия аъзоси фойдаланиши мумкин. Йўлланманинг бошқа шахсга берилишига йўл кўйилмайди.

Ушбу талаб кузатувчиларга нисбатан кўлланилмайди.

24. Санаторийга келган Академия аъзоларида паспорт, согликни сақлаш муассасаси томонидан берилган санаторий-курорт картаси (тиббий хуроса) ва йўлланма бўлиши керак.

25. Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчиларига "стандарт" ёткxоналардан жой берилади.

Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчилари санаторийлардаги мавжуд кўшимча хизматлар учун белгиланган тўловларни ўз хисобидан амалга оширган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

26. Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчилари санаторийнинг даволовчи шифокори томонидан тайинлаган барча зарур тиббий муолажалар билан биринчи навбатда таъминланадилар.

27. Даволанишга келган Академия аъзоси ҳамда унинг кузатувчисига санаторий томонидан йўлланманинг қайтиш талони Марказга топшириш учун берилади.

Йўлланманинг қайтиш талонида тегишли шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, санаторийда амалда бўлган вақти кўрсатилади.

28. Академия аъзоларига соғломлаштириш учун берилган йўлланмаларга мувофик санаторийларда жой ажратилиши юзасидан санаторийлар раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.


### **7-боб. Якуиловчи қоидалар**


29. Академия аъзолари ҳамда уларнинг кузатувчиларига берилган ва улар томонидан фойдаланилган йўлланмалар бўйича хисоб-китоблар ва уларнинг назорати Марказ томонидан олиб борилади.

30. Марказ санаторий йўлланмаларининг ўз вактида ва максадли берилишини таъминлайди.

Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги  
фандари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир  
аъзоларининг саломатлигини санаторий-согломлантириш  
хамда курорт-согломлантириш муассасаларида  
мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фандари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини  
хамда уларнинг кузатувчиларини санаторийларга юбориш  
СХЕМАСИ**







Собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари  
академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир  
аъзоларининг саломатлигини санаторий-  
согломлаштириш ҳамда курорт-  
согломлаштириш муассасаларида  
мустахкамлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-  
ишлаб чиқариш маркази Бош  
директорига

да яшовчи

дан

(ариза берувчининг Ф.И.Ш.)

## АРИЗА

Менга \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойига \_\_\_\_\_ санаторийсига  
(санаторийнинг номи)  
йўлланма ажратишингизни сўрайман.

Аризага қуидагиларни илова қиласман:  
паспорт нусхаси;  
собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий  
аъзолигини (мухбир аъзолигини) тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;  
кузатиб бораётган шахс паспортининг нусхаси.  
Бошқа хужжатлар:

Мурожаат килувчининг имзоси: \_\_\_\_\_

Сана: 20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ "

Аризани рўйхатдан ўтказувчи

(аризани кабул килган шахснинг Ф.И.Ш., лавозими)

Сана: 20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ "

Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари  
Академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир  
аъзоларининг саломатлигини санаторий-согломлаштириш  
хамда курорт-согломлаштириш муассасаларида  
мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-илова

## **Йўлланима сўраб ёзилган аризаларни рўйхаттга олиш ДАФТАРИ**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “18” октябрдаги 846 сон қарорига  
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фанлар академиялари аъзоларининг гонорарлари, докторантлар ва аспирантларнинг стипендиялари миқдорини ошириш тўғрисида” 1994 йил 1 декабрдаги 578-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш

1. Илованинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари, собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзоларининг гонорарлари миқдори

| Номи  | Бир ойлик гонорар миқдори                        |
|---|--|
| 1. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (академик)                        | Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида  |
| 2. Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси | Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида  |
| 3. Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг муҳбир аъзоси  | Энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баравари миқдорида”. |